

Қуръони Карим дарслари (112-дарс). Қироатлар манбаси



Қуръони Карим
ДАРSLARI 112-ДАРС

Қуръони Карим дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Қуръон илмлари» китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

13:30 / 24.11.2020 5323

Қироатларнинг манбаи ваҳийдир. Бу ҳақда бир қанча оятлар ва ҳадислар келган.

Аллоҳ таоло Юнус сурасида шундай деб марҳамат қилади:

تٰٓئِ اِنۡ ءَاۡقُلۡ نَّوۡحُ رَيۡۤالَ نِيۡدِۡلِۡلِۡاۡقِ تٰٓنۡبِۡبِ اُنۡ تٰٓيۡ اَمۡهٖ لَعَلَّ تٰٓتۡ اِدۡو
نۡ اِيۡسۡفَنۡ ءَاۡقُلۡ تۡنۡمۡ هَلۡ دَبُّۡنَاۡ نَاۡ يٰلِ نُوۡكَيۡ اَمۡ لُقۡ هَلۡ دَبُّۡنَاۡ وَاۡدَهۡ رَيۡغِ نَاۡرُقۡبِ
مۡ يٰطَعۡ مَوۡيۡبَاۡدَعِ يٰبَرۡ تِيۡصَرۡعۡنَاۡ فَاۡخَاۡ يٰنَاۡ يٰلِ اِيۡحٰوِيۡ اَمۡ اِلۡ اِعۡبٰتَاۡ

«Қачонки уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинганида, Бизга рўбарў бўлишдан умид қилмайдиганлар: «Бундан бошқа Қуръон келтир ёки уни алмаштир», дедилар. Сен: «Мен уни ўзимча алмаштира олмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсагагина эргашаман. Албатта, мен Роббимга осий бўлсам, буюк Кун азобидан қўрқаман», деб айт». (15-оят).

Аллоҳ таоло Нажм сурасида шундай дейди:

اِيۡوُقۡلَاۡ دِيۡ دَشۡ هَلۡ غٰۡ اِيۡحٰوِيۡ يٰحٰوِيۡ وَاۡلِ وَاۡوَهۡ نَاۡ يٰوَهۡلَاۡ نَعۡ قَطۡنِيۡ اَمۡو

«У ҳаводан нутқ қилмас. У (Қуръон) юбориладиган ваҳийдан ўзга нарса эмас. Унга шиддатли қувват эгаси таълим берди». (3-5-оятлар).

Аллоҳ таоло Ҳаққо сурасида марҳамат қилади:

أَنْعَطِقِلْ مُثْنَيْنِ مَيْلَابُ هُنْمِ أَنْدَحْ أَلْ لِي وَأَقْ أَلْ صُنْعَبْ أَنْ يَلْعَ لَوْ قَتْ وَ لَوْ
نِي تَوْ لَوْ هُنْمِ

«Ва агар у Бизга баъзи ёлғон сўзларни тўқиса... албатта, Биз уни қудрат билан тутамиз. Сўнгра, албатта, унинг шоҳ томирини кесамиз». (44-46-оятлар).

Ушбу оятлардан кўринадики, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларича Қуръони Каримдан бирор нарсани ўзгартиришга қодир эмаслар. Шундай экан, уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа бирор одам мутлақо ўзгартира олмаслиги турган гап.

Бу борадаги Суннатда келган далиллар Қуръони Каримнинг етти ҳарфда нозил бўлиши ҳақидаги мавзуда келтирилган. Бу ерда мазкур сарлавҳа остидаги маълумотлар доирасида келмаган бир ҳадисни эслаб ўтиш билан кифояланамиз.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لِي صِيْبِنَّا نَأْهَ لَلِ يَضَّرُ؛ بَعْكَ نَبِيًّا أَبْأَنْعَ
نَعْلِي رَبِّجَ دَعَقَ ف، يِنَا يَتَأْمَالَسْ لَامَ لَعْلَعْلِي ئَاكِي مَوْ لِي رَبِّجَ نَ؛ لَأَقْ
أَرْقَا؛ مَالَسْ لَاهِيَ لَعْلِي رَبِّجَ لَأَقَ ف، يِرَاسِي نَعْلِي ئَاكِي مَوْ يِنِي مِي
عَبَسَ لَعْلَبِي تَحْ، هَدْرَتَسَا، هَدْرَتَسَا؛ لِي ئَاكِي مَلَأَقَ، فَرَحَ يَلْعَ نَأَرْقُو لَأ
يِي ئَا سِنَلَا هَاوَرِ، فَاكِ فَا شِ فَرَحَ لُكَفَ، فَرَحًا

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Жаброил ва Микоил алайҳимассалом олдимга келишди. Жаброил ўнг тарафимга, Микоил чап тарафимга ўтирди. Шунда Жаброил алайҳиссалом:

«Қуръонни бир ҳарфда қироат қил», деди. Микоил эса:

«Ундан зиёда қилишини сўра, ундан зиёда қилишини сўра», деди. Ниҳоят, етти ҳарфга етди. Ҳамма ҳарф шофий ва кофийдир».

Насайи ривоят қилган.

Ушбу ҳадисдан ҳам кўриниб турибдики, Қуръони Каримни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам истаганларича ўқий олмайдилар. Балки фаришталар олиб келган ваҳий асосида қироат

қиладилар. Бу борадаги ҳадислар мутавотир даражасига етгандир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримни Аллоҳ таолонинг ҳузурида қандай бўлса, ўшандай ҳолида Жаброил алайҳиссаломдан қабул қилиб олганлар. У зотга Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссаломдан қабул қилиб олишни Аллоҳ таолонинг Ўзи ўргатганини аввал айтиб ўтдик.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломдан Қуръони Каримни эшитиб, ўрганиш билан бирга, у кишига ўқиб ҳам берар эдилар. У зот Қуръони Каримни ҳар йили Рамазон ойида бир марта Жаброил алайҳиссаломга бошидан охиригача ўқиб берар эдилар. Вафот этадиган йиллари Қуръони Каримни бошидан охиригача икки марта ўқиб берганлар.

Ўз навбатида саҳобаи киромлар ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръони Каримни Аллоҳ таолонинг ҳузурида қандай бўлса, ўшандай ҳолида қабул қилиб олар эдилар. Аста-секин саҳобаи киромларнинг ичида қироат бўйича кўзга кўринганлари зоҳир бўла бошлади. Улар бошқа саҳобаи киромларга Қуръони Карим қироатидан дарс ҳам берадиган бўлдилар.

Қироатда устоз бўлган саҳобаи киромлардан ҳазрати Усмон, ҳазрати Алий, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Дардо, Ибн Масъуд ва Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳумни мисол тариқасида зикр қилишимиз мумкин. Катта саҳобийлар кичикларига ва кейинроқ Исломга кирганларга қироатни ўргатар эдилар. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Соиб ва бошқа саҳобаи киромларга қироатдан устоз бўлганлар.

Ўз навбатида саҳобаи киромлардан кейинги авлод тобеъинлар ҳам Қуръони Каримни Аллоҳ таолонинг ҳузурида қандай бўлса, ўшандай ҳолида қабул қилиб олдилар. Аста-секин тобеъинларнинг ичида қироат бўйича кўзга кўринганлари зоҳир бўла бошлади. Улар ҳам бошқаларга Қуръони Карим қироатидан дарс берадиган бўлдилар.

Тобеъинларнинг вақтига келиб, Ислом кўп жойларга тарқалган, мусулмонларнинг сони кўпайган ва ҳар бир ўлка ўз қориларига эҳтиёж сезиб қолган эди. Шунинг учун ҳам тобеъинлардан қироатга моҳир ва устоз бўлганлари ҳақида маълумот олмоқчи бўлсак, уларнинг турли ўлкаларга бўлиб зикр қилинганини кўраемиз.

Тобеъинлардан ўзининг қироати ва Қуръон устози деган номи билан Мадинада машҳур бўлганлар: Ибн Мусайяб, Урва, Солим, Умар ибн Абдулазиз, Сулайман ибн Ясор, Ато ибн Ясор, Муъоз ибн Ҳорис, Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз, Ибн Шихоб Зухрий, Муслим ибн Жундуб, Зайд ибн Аслам ва бошқалар.

Тобеъинлардан Қуръони Карим қироати ва устозлиги билан Маккада машҳур бўлганлар: Убайд ибн Умайр, Ато ибн Абу Рабоҳ, Товус, Мужоҳид, Икрима, Ибн Абу Мулайка ва бошқалар.

Тобеъинлардан Қуръони Карим қироати ва устозлиги билан Куфада машҳур бўлганлар: Алқама, Асвад, Масруқ, Убайда, Амр ибн Шураҳбил, Ҳорис ибн Қайс, Амр ибн Маймун, Абу Абдурраҳмон Суламий, Саъид ибн Жубайр, Иброҳим Нахаъий, Шаъбий ва бошқалар.

Тобеъинлардан Қуръони Карим қироати ва устозлиги билан Басрада машҳур бўлганлар: Абу Олия, Абу Ражо, Наср ибн Осим, Яҳё ибн Яъмур, Ҳасан, Ибн Сирин, Қатода ва бошқалар.

Юзинчи ҳижрий санага келиб, ақоид, фикҳ ва бошқа соҳаларда, жумладан, қироат бобида ҳам мусулмонларнинг сонлари, миллатлари, ирқлари, тиллари ва эҳтиёжларининг ҳаддан ташқари кўпайгани эътиборидан, алоҳида илмий асосга суянган йўналишлар пайдо бўлди. Бу давр ва шароит талаби эди.

«Қуръон илмлари» китобидан